

O'ZBEKISTON ISSN 2181-502X QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

Махсус сон. 2019



ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР –
ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ



“ХОРАЗМ-150” ҒЎЗА НАВИНИ МАҚБУЛ ПАРВАРИШЛАШ АГРОТАДБИРЛАРИ

The northern region of the Republic is in the Khorezm region that Khorezm-150 cotton variety was irrigated three times in 70–75–65% of the field capacity moisture and 4 times in the 75–75–65% irrigation range, the yield of cotton was lower than in the 70–75–65% range compared to the field moisture capacity. When 70–75–65% of the field capacity moisture content, fertilizer standard N-200; P-140 and K-100 kg/ha variants had a high yield of 35,4 ct/ha. From the results of the study the following conclusions are reached that irrigation of medium-fiber cotton of Khorezm-150 with humidity 70–75–65%. It is best to give that fertilizer standard N-200; P-140; K-100 kg/ha.

Республикамиз дунё бозорда пахта толаси ишлаб чиқаришда ўз ўрни ва маъқига эга. Шу сабабли ғўза етиштиришга алоҳида эътибор берилди. Ғўза навларини вилоятларнинг иклими, тупроғи, мелиоратив, гидрогеологик шароитларига қараб парваришлаш агротадбирлари тизими уларнинг тупроқ тип – турларига (енгил, ўртача, оғир – лойсимон саз) ерости сувлари сатҳи жишашуви, яъни суғориладиган ерларнинг мелиоратив минтақа ва гидромодул ҳудудларга бўлиниши, стресс омиллар (шамол, гермесел, ўта юқори ҳарорат, сув танқислиги ва ҳ.к.), вилт ва бошқа касалликлар ва зараркундаларга чидамлик даражасини ҳам ҳисобга олган ҳолда парваришлаш агротадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда мақбул суғориш тартибларини ўрганиш долзарб ҳисобланади.

Шуларни инобатга олиб, “Хоразм-150” ғўза навининг сув-озик меъёрларига бўлган талабини ўрганиш мақсадида ПСУЕАИТИ Хоразм филиали тажриба хўжалигида тадқиқот ишлари (2009–2011 й) олиб борилган. Тадқиқотлар ПСУЕАИТИ да ишлаб чиқилган услубий қўлланмаларга ривож қилган ҳолда ўтказилди.

Танланган “Хоразм-150” нави уч қайтариқ ва бир ярусда жойлаштирилди. Тажриба 6 вариантдан иборат бўлиб, бунда N-160, 200, 240; P-112, 140, 170 ва K-80, 100, 120 кг/га меъёри, суғориш ЧДНС га нисбатан 70–75–65% ва 75–75–65% тизимларида ҳамда ҳар гектарда 90–110 минг туп кўчат қалинлиги ўрганилди.

Тажриба даласти тупроғининг агрохимёвий таҳлиллари натижаларига кўра, жайдов (0–35 см) қатлами гумус миқдори 0,88%, нитратлар –6,2 мг/кг ни, фосфатлар –38 мг/кг ни ташкил этган.

Тажриба даласти тупроғининг қуйидаги агрофизикавий кўрсаткичлари мавсум бошида ва мавсум охирида аниқланди: ҳажм оғирлиги 0–30 см да 1,25 г/см³, 0–60 см да 1,4 г/см³ ни ташкил этди. Мавсум охирида суғоришлар ва қатор ораларига ишлов бериш натижасида ва тупроқнинг зичлашганлиги туфайли ҳажм оғирлиги орди ва сув ўтказувчанлик камайди.

Экинларда суғориш тартибини белгилаш учун тупроқнинг суғориш олди намлигини ёки ўсимлик ривожланишининг энг муҳим фазалари учун тупроқнинг энг паст чекланган намлигини аниқлаш тақозо этилади.

Адабиётлар

1. Хамидов М.Х., Шукурова Х.И., Маматалиева А.Б. Қишлоқ хўжалиги гидротехника мелиорацияси. Тошкент, «Шарқ» 2008.
2. Нурматов Ш. ва бошқалар. «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» ЎзПИТИ, Тошкент-2007.
3. Доспеков Б.А. «Методика полевого опыта». Москва, «Колос» 1979.

Тажрибада ғўзанинг суғориш муддатлари белгиланган суволди тупроқ намлиги асосида аниқланди. Тупроқ намлиги белгиланган даражага ±0,5–1,5% фарқида етиши билан ерга навбатдаги сув берилди.

Ғўза навларининг гуллаш фазасида тупроқнинг 0–60 см қатламида намлик етарли бўлиши боис сув талаб этмади. Ғўза навлари гуллаш ҳосил тўплаш фазасига кирган даврдан бошлаб, ғўза ҳар суткада гектаридан 75–80 м³ сув сарфлай бошлаган даврда тупроқнинг 0–100 см қатламида намлик камайиб, белгиланган кўрсаткичга яқинлашди. Жорий йилда ғўза навларида ўсиш-ривожланиш эрта кечганлиги туфайли 70–75–65% суғориш тизимида 3 мартаба суғориш амалга оширилди. 75–75–65% суғориш тизимида эса мавсум давомида 4 мартаба суғориш ишлари олиб борилди. Тадқиқотдаги иккинчи 75–75–65% ЧДНСга нисбатан бўлган тартибда суғорилган вариантда тупроқ намлигига кўра мавсумда 4490 м³га сув сарфланди.

ЧДНС га нисбатан 70–75–65% фойзда суғорилганда бир кўсақдаги пахта вазни 4,2 гр, 75–75–65% фойзда суғорилганда 4,1 гр атрофида бўлди.

Пахта ҳосилдорлиги ЧДНС га нисбатан 70–75–65% фойзда суғорилганда 35,4 ц/га, 75–75–65% фойзда суғорилганда 32,1 ц/га пахта ҳосили олинди.

Хоразм вилояти шароитида олиб борилган дала тажрибалари натижалари қуйидагича бўлди:

1. ЧДНСга нисбатан 70–75–65% фойзда суғорилганда наада 75–75–65% фойзда суғорилганга нисбатан ҳосилдорлик юқори бўлди.
2. ЧДНСга нисбатан 70–75–65% фойзда суғорилган, ўнг меъёри N-200; P-140; K-100 кг/га ни берилган вариантда юқори ҳосилдорликка эришилди. Ҳосилдорлик 35,4 ц/га етди.

Олиб борилган тажриба яқунлари таҳлил қилиниб қуйидаги хулосага келинди:

Ўрта толали “Хоразм-150” ғўза навини 70–75–65% намликда суғориш, ўнглар меъёри N-200; P-140; K-100 кг/га берилгани маъқул.

Ш.БОТИРОВ,

к.х.ф.н., доцент, (ТИҚХИМИ).

УЎТ: 633.51:631.811.111

ҒЎЗАНИНГ ФИЗИОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ГУМИНЛИ СТИМУЛЯТОРНИНГ ТАЪСИРИ

The impact of humin containing stimulators on seed-lint yield of cotton in the condition of typical sierozem soils of Tashkent province were presented in article.

Гумин асосли стимуляторлар суяқ шаклда, экологик жиҳатдан безарар, унинг таркибида ўсимлик учун ўта муҳим бўлган биологик фаол моддалардан калий, натрий гумат, гумин кислоталари ва ферментлар мавжуд.

2009–2011 йилларда Гумимакс, 2012–2014 йилларда Узгуми ҳамда Кгму 2015–2017 йилларда Гумми-20 стимуляторларининг ғўзадаги самарадорлиги тадқиқ қилинди. Тажрибалар

Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида ғўзанинг “Наврўз” ва “Андижон-37” навларида олиб борилди.

Гумимакс стимулятори қўлланилганда тажриба вариантлари майдони 72 м², Узгуми стимуляторида 60 м², Кгму стимуляторида 200 м² Гумми-20 стимуляторида 60 м² ташкил қилди ва 3–4 қайтариқда жойлаштирилди.

Тадқиқот учун Гумимакс стимулятори билан чигит-